



ТАҲЛИЛИЙ ТАВСИЯНОМА

№ 1, 2008

Ўзбекча талқин

Мундарижа:

**1. Ер ислоҳотлари
ва чорвачилик
соҳасидаги
ўзгартиришлар
натижалари**

**2. Дехқон ва фермер
хўжаликларини
урганиш
натижаларидан
олинган сиёсий
сабоқлар**

**3. Хулоса ва
тавсиялар**

Контактлар:
policybrief@undp.org
www.undp.uz
 Тел.: (998 71) 120 34 50
 (998 71) 120 61 67
 Факс: (998 71) 120 34 85

БМТРД
Ўзбекистондаги
ваколатхонаси
 100029, Тошкент,
 4, Т. Шевченко кўчаси,
 Ўзбекистон



Мазкур **таҳлилий тавсиянома** БМТРДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси нашри бўлиб, жорий иқтисодий сиёсатнинг муқобил стратегик танловини ҳамда лозим чора-тадбирлар йўналишини муҳокама қилиш учун мулжалланган. Мазкур ҳужжат сиёсий йўналишларни белгиловчи мансабдор шахслар, донорлар ҳамжамияти, мустакил таҳлилчилар ва тараққиёт соҳасидаги бошқа манфаатдор томонлар учун мулжалланган. Муаллифнинг мазкур ҳужжатда билдирилган айрим фикрлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиши Дастури фикри ва юритаётган сиёсатига мос келмаслиги мумкин. Мазкур таҳлилий тавсияномадан мақсад юкори мартабали раҳбарлар, таҳлилчилар ва бошқа манфаатдор томонларнинг фикрини билиш ҳамда улар ўртасида ушбу мавзудаги муҳокаманинг давом этишини рағбатлантиришдан иборатдир.

Ўзбекистонда чорвачиликнинг барқарор ривожланиши: ҳозирги аҳвол ва тавсиялар

Муаллиф:

Цви Лерман, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва бошқаруви профессори, Куддус Яхудий университети, Истроил.¹

Мазкур таҳлилий тавсиянома Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиши Дастури, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Истроил Ташки ишлар вазирлигининг Халқаро ҳамкорлик маркази (MASHAV) томонидан амалга оширилаётган “Ўзбекистонда чорвачилик соҳасининг барқарор ривожланишини қўллаб-қувватлаш” қўшма лойиҳаси материаллари асосида тайёрланди.

Чорвачилик Ўзбекистон иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Мамлакат қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 40 фоизидан ортиғи унинг ҳиссасига тўғри келади. Мазкур тармоқнинг асосий хусусияти шундаки, чорвачилик маҳсулотининг катта қисми ўртacha 1 сигирга эга ва 0,2 гектар ерга ишлов берувчи майда дехқон хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилади².

Дехқон хўжаликларида чорвачилик маҳсулоти ишлаб чиқарилиши муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, қишлоқ оиласлари учун муҳим даромад ва озиқ-овқат манбаи ҳисобланади. Лекин аксарият чорвачилик хўжаликларининг кичиклиги уларга замонавий технологияларни жорий этишда муайян қийинчилликлар туғдирмоқда ва чорвачиликда кўлам миқёсидаги самарадорликка эришиш имкониятини чеклаб кўймоқда, бунинг натижасида сут соғиб олишнинг самарадорлиги паст бўлиб қолмоқда.

Чорвачилик тармоғи ривожланишда бир қатор қийинчилликларга дуч келмоқда. Улардан бири- озуқа экинлари майдонининг 1991 йилдан бўён 70 фоиздан кўпроққа қисқариши сабабли пайдо бўлган ем-ҳашак танқислигидир. Ушбу муаммо ерни бошқа экинлар, асосан буғдой ва паҳта учун тақсимлангани сабабли пайдо бўлди. Яна бир муҳим муаммо чорвадорлар учун зарур хизмат кўрсатиш инфратузилмасининг талаблар даражасида ривожланмаганлигидадир.


Сут ишлаб чиқариш масаласи мазкур таҳлилий тавсияноманинг асосий эътибор марказидан жой олган. Зоро, лойиҳа фаолиятининг асосий йўналиши сут маҳсулотлари ишлаб чиқариши ташкил этиш масалларига қаратилгандир. Лекин бир қатор стратегик тавсияларни гўшт ишлаб чиқарилишига ҳам қўллаш мумкин. Тавсияномадан мавжуд аҳвол таҳлили ва хўжаликлар ўртасида ўтказилган сўров давомида олинган асосий хулосалар ўз аксини топган.

¹ Муаллиф Александр Чертовицкий ва Одил Акбаровга - Тошкент ирригация ва мелиорация институти ходимлари ҳамда “Таҳлил” ижтимоий тадқиқотлар маркази консультантларига мавзумот ва аҳборот тўплашда кўрсатган бебаҳо ёрдами учун самимий миннатдорлик билдиради.

² Ўзбекистонда ҳозир хўжалик юритишининг иккى хил асосий тuri мавжуд: дехқон ва фермер хўжаликлари. Дехқон хўжаликлари – кичик томорқа хўжаликлар бўлиб, ўз рўзгори ва сотиш учун сабзавот, мева, сут ва гўшт ишлаб чиқаради. Дехқон хўжаликлари ерни давлатдан умброд фойдаланиш учун олади. Ажратилган майдон ҳажми 0,1 – 0,4 гектар ҳайдаладиган ерdir. Мавжуд қонунга биноан дехқон хўжаликлари учун ажратиладиган ер ҳажми 0,35 гектар сугориладиган ёки 2 гектаргача лалимкор майдон билан кифояланилади. Фермер хўжаликлари – сотиш мақсадида дехқончилик ва чорвачиликка ихтисослашган оиласвий хўжаликлар. Қишлоқ хўжалиги учун мулжалланган ерлар фермер хўжаликларига давлатдан узоқ муддатли ижарага олинади. Камида 30 бош шарти қорамолгá эга чорвадор фермерлар озуқа экинлар етишириш учун камида 0,30-0,45 гектар ер олади. Дехқон-фермерлар паҳта ва буғдой етишириш учун камида 10 гектар ҳайдаладиган ер олади. Совет давридан қолган анъанавий хўжаликлар – колхоз ва совхозлар асосан тутагилди.

1. Ер ислоҳотлари ва чорвачилик соҳасидаги ўзгартиришлар натижалари

Ер ва чорвачилик. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар қишлоқ аҳолиси учунинки сезиларни натижани олиб келди. Биринчидан, индивидуал фермер хўжаликлар исектори улушки – бунга ислоҳотларнинг иккинчи босқичида, 1998 йилдан сўнг пайдо бўла бошлаган анъанавий томорқа участкалари ҳамда, янги фермер хўжаликлари киради - 3 фоиздан 30 фоизгача ошиди. Ҳайдаладиган ерлардаги индивидуал фермер хўжаликлари улуси янада кескин ортиб, бугунги кунда 80 фоизга яқинлашмоқда. Тутатилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ерлари асосан фермер хўжаликларига бўлиб берилгани сабабли бугунги кунда хусусий сектордаги ернинг асосий қисми томорқа хўжаликлари эмас, фермер хўжаликлари улушкига тўғри келади. Иккинчидан, ердан фойдаланиш кўлами кенгайиши билан бирга ислоҳотлар хусусий фермер хўжаликларида чорва моллари сонининг сезилари даражада кўпайишига олиб келди (1.1 – расм).



1.1-расм. Турли ташкилий шаклдаги хўжаликлардаги чорва моллари сони.


Чорвачиликдаги ўзгаришларнинг хусусияти ердан фойдаланишдаги ўзгаришлардан фарқ қиласди. Ўзбекистонда чорвачилик секторида экин етиштиришда бўлгани каби йирик қишлоқ хўжалиги корхоналари эмас, балки анъанавий қишлоқ оилалари устуворлик қилган. Совет даврида чорванинг 50 фоиздан ортиқ қисми ўй-рўзгор хўжаликлари тегишли бўлган. 1990 йилдан сўнг, айниқса, 1995 йилдан кейин Ўзбекистондаги йирик қорамоннинг умумий сони 5 миллиондан 7 миллионга етган. Мазкур кўпайиш асосан томорқа хўжаликлари сектори эвазига содир бўлган бўлиб, бу чорвачиликнинг хусусийлаштирилиши туфайли қишлоқ хўжалиги корхоналари қисқариши ўрнини босганди. Фермер хўжаликларининг чорвачиликдаги ҳиссаси ҳали унчалик катта эмас: фермер хўжаликларида йирик шохли қорамоллар сони вақт ўтиши билан ортиб бормоқда, аммо мамлакатдаги чорванинг умумий сонининг 5 фоизидан ошмайди. Ушбу кўрсаткич 2006 йилда суфориладиган ерларнинг 65 фоизи ва қишлоқ хўжалиги ерларининг қарийб 30 фоизидан фойдаланувчи фермер хўжаликларининг умумий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улусидан жиддий фарқланади. Чорвачиликда хусусий секторнинг умумий улуси (дехқон ва фермер хўжаликлари биргалиқда) сигирларнинг 98 фоизи, йирик қорамоннинг 96 фоизи ва майда шохли молнинг (кўй ва эчки) 80 фоизини ташкил этди, бунда чорванинг асосий қисми фермер хўжаликларида эмас, томорқа хўжаликларида жамланган.

Ўзбекистонда чорвачилик секторида дехқон хўжаликлари етакчилик қилаётган ҳозирги пайтда ўртacha дехқон хўжалигига 1,4 буштада йирик шохли қорамол ва 0,8 буштада сигир тўғри келади. Айни пайтда чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида 42 буштада йирик шохли қорамол ва 13 буштада сигир бор. Шу тарзда, Ўзбекистонда йирик шохли қорамоннинг аксарият қисми майда томорқа хўжаликлари тегишли бўлиб, 4,5 миллион ўй-рўзгор хўжалиги 6 миллиондан зиёд қорамолга, жумладан, 2,7 миллион буштада сигирга – яъни Ўзбекистондаги чорванинг 90 фоиздан ортиқ қисмига эгалик қиласди.

Ислоҳотлар жараёнида йирик шохли қорамол сонининг ортиши Ўзбекистонда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (ЯҚҲМ) етиштиришда чорвачилик маҳсулотлари улусининг кўпайишида ўз ифодасини топмоқда. Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш 1990 йилгача бўлган даврдаги ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 30-35 фоизидан 1997 йилдан бошлаб 45-50 фоизгача кўпайди. Ўзбекистонда чорвачилик маҳсулотлари салмоғининг бу тарзда ошишини Россия, Украина, Беларусь, Қозогистон ва Қирғизистон каби анъанавий чорвачилик билан шуғулланиб келган мамлакатлардаги аҳволга нисбатан ижобий баҳолаш мумкин. Бу мамлакатларда чорвачилик маҳсулотларини етиштиришнинг улуси 1995 йилдан олдинги 55-60 фоиздан яқин йилларда 45 фоизгача камайди, айни пайтда Ўзбекистонда чорвачилик маҳсулотларини етиштириш улуси тахминан шу даражага ортди.

Озуқа базаси ва соғилган сут ҳажми. Афсуски, чорва моллари сонининг ортиши улар учун зарур озуқа экинларини етиштиришни кўпайтириш билан бирга кечмади. Аксинча, 1991 йилдан бошлаб озуқа базаси кескин қисқариб кетди. Совет давридаги сўнгги ўн йилликда, 1980 ва 1991 йиллар давомида, озуқа экинлари учун ажратилган ер майдони 0,7 млн. гектардан 1,1 млн. гектарга кенгайтирилгани ҳолда, 1990 йилларнинг охирига келиб 0,5 млн. гектарга яқин майдонни ташкил этди ва 2004-2005 йилларда 0,3


млн. гектардан ҳам камроқ ҳажмга тушди (1.2 расм). Озуқа экинлари етиштиришдан бўшатилган ерлар мустақилликнинг дастлабки йилларида озиқ-овқат мустақиллигига эришиш бўйича давлат стратегиясининг бир қисми сифатида асосан буғдой етиштиришга мослаштирилди. Ўзбекистонда экин экиш таркиби асосан иккита товар экини – пахта ва буғдой бўйича давлат режалари асосида марказлашган тартибда белгиланади. Фермерлар ҳукуматнинг юқори бўғинлари рухсатисиз озуқа учун ажратилган майдонларни аввалги даражагача кенгайтира олмайди.



1.2. расм. Озуқа экинлари етиштириладиган суюриладиган майдонлар, 1980-2006 йиллар.

Чорванинг умумий сони ошганига қарамай, озуқа базасининг қисқариши давом этди. Натижада, озуқа экинларига ажратилган майдонлар чорва бошига нисбатан 1980 йиллардаги 0,20 гектардан 1990 йилларда 0,10 гектаргача қисқарди. Ҳозирги пайтда бу даража чорва бошига 0,05 гектарни ташкил этади, яъни 1980 йиллардаги барқарор ҳолатдан 25 фоизни ташкил этади. Шуниси ажабланарлики, озуқа майдонларининг қисқариши сут соғиш ҳажмига салбий таъсир кўрсата олмади, у барқарор ҳолатда (айни пайтда ғоят паст даражада) сақланиб қолди, яъни 1990 йилларда бир сигирга йилига 1600 кг сут тўғри келар эди. Бундай ҳолатни Ўзбекистонда ўртacha сут соғиш дехқонлар томонидан етиштириладиган сут ҳажмига қараб белгиланиши билан боғлаш мумкин. Дехқонларда озуқа учун ажратиладиган ер кам бўлиб, улар молини ҳосил йиғишириб олинган майдонларда, йўл бўйларида ёки сув ҳавзалари олдида боқади, шу боисдан озуқа экинлари ҳосилдорлиги ва расмий яйловлар микдоридан мустақил ҳисобланади.

Йиллар мобайнида, сут соғиш ҳажми бирмунча кўпайди – 1980 йиллардаги сигир бошига бир йилда 1500 кг дан, 2000 йилдан бошлаб сигир бошига бир йилда 1600 кг дан сал ортиқ ҳажмга етди. Европа ва АҚШ (йилига битта сигирга 8000 кг) ёки Истроилга нисбатан (йилига битта сигирга 11000 кг) бу ҳажм ниҳоятда паст. Ғарб мамлакатлари иқтисодиётiga кўра МДҲ мамлакатлари билан таққослаганда Ўзбекистонда сут соғиш ҳажмининг камлиги янада ташвишланарлидир. Беларусь, Украина, Россия, Молдова, Қирғизистонда битта сигирга ўртacha 2000 – 2700 кг сут тўғри келади, бу кўрсаткич фақат Озарбайжон, Грузия ва Тожикистонда пастроқ (1.3. расм).



1.3. расм. Ўзбекистонда ва МДҲнинг бошка давлатларида сут соғиб олиш ҳажми (МДҲ Статистика қўмитаси, Москва, CD ROM 2006-11).

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига амалга оширилаётган исплоҳотлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг (acosan экинларни) анъанавий қишлоқ хўжалиги корхоналаридан янги ташкил этилган фермер хўжаликлариға ўтишига олиб келди. Шунга қарамай, майда дехқон хўжаликлари бу даврда қишлоқ хўжалигидаги етакчи мавқенини сақлаб қолди. Уларнинг улуши ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 60 фоизга яқин қисмини ташкил этди. Дехқон хўжаликларининг ролиacosan чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда намоён бўлиб, бу соҳада уларнинг улуши ялпи маҳсулотнинг 90 фоизига тенг. Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ҳам улар муҳим ўрин тутади. Бу борада уларнинг улуши сўнгги йилларда фермер хўжаликлари билан бир қаторда экин ҳосилининг 40 фоизини етиштиришида намоён бўлади.

2. Дехқон ва фермер хўжаликларини сўров қилиш натижасида олинган иқтисодий сабоқлар

2007 йилнинг августидаги хўжаликлар даражасида сўровнома ўтказилган бўлиб, унинг мақсади расмий статистикага қўшимча равишда микродаражадаги маълумотларни олишдан иборат эди. Тадқиқот мамлакатнинг асосий 13 маъмурий ҳудудларидан 8 тасида олиб борилди (шарқдан ғарбга қараб: Фарғона, Наманган, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпогистон Республикаси). Ҳудудлар уларнинг қишлоқ хўжалиги хусусияти асосида бутун мамлакатни етарли даражада репрезентатив қамраб олиш мақсадида танлаб олинди. Сўров қилиш мақсадида 1600 респондент танлаб олинди ва улар иккита гурухга тақсимланди: 797 дехқон хўжалиги ва 803 фермер хўжалиги. Респондентлар тасодиф асосида, маҳаллий рўйхатлардан фойдаланган ҳолда танланди.

Ушбу бўлимда текширув давомида олинган маълумотлар таҳлили асосида қилинган хуносалар тақдим этилади. Бу бўлим дехқон ва фермер хўжаликлири характеристикарининг қисқача таққосланишидан бошланади. Ундан сўнг биз учта асосий муаммо бўйича олинган олти сабоқни келтирамиз:

- Сут соғишини ирсият, озуқа ва ҳайвонларни парваришилаш орқали яхшилаш. Сунъий қочириш мазкур селекциянинг асосий воситаси сифатида муҳокама қилинади.
- Дехқон хўжаликлири фаолиятини фойда олишга йўналтирилган тижорат асосига ўтказиш (тижоратлаштириш).
- Даромад ва оила фаровонлиги.

Дехқон ва фермер хўжаликлири қиёси. Сўров доирасида қамраб олинган қишлоқ аҳолиси икки гуруҳдан: дехқонлар ва фермерлардан ташкил топган. Дехқонлар унчалик катта бўлмаган томорқага – уйи атрофидаги ер ҳамда кўпинча, қишлоқнинг четида жойлашган қўшимча майдонга эгалик қиласи. Фермерлар эса товар - қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун олинган катта ер майдонларига эга бўлиб, бу ер уларга томорқага қўшимча тарзда берилган. Фермерлар ўз навбатида қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирувчилар (ерга эгалик қиласи, лекин чорваси йўқ) ва чорвадорларга (ер майдонларига қўшимча равишда чорва боқадиган) бўлинади. 2.1 жадвалда қишлоқ аҳолисининг ана шу учта гурухининг қиёсий характеристикаси келтирилган.

2.1-жадвал. Дехқон ва фермер хўжаликларининг айрим жиҳатлари

	Дехқон хўжаликлири	Экин етиштирадиган фермерлар	Чорвадорлар	Барча фермерлар
Респондентлар сони	797	402	399	803
Томорқа, га	0,17	0,19	0,22	0,21
Ер улуши, га	--	31,74	56,21	43,90
Умумий ер мулки, га	0,17	31,9	56,4	44,1
Уй чорваси, бош	2,7	4,4	2,9	3,6
Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари, бош	--	--	56,8	28,2
Ҳайвонларнинг умумий сони, бош	2,7	4,4	59,7	31,9
Умумий даромад, минг сўм	267	451	560	505
Жон бошига даромад, минг сўм	47	74	90	82
Оиланинг ҳажми	6,0	6,6	7,2	6,9

Изоҳ: Бу жадвалда чорва сонига барча турдаги уй ҳайвонлари киритилган (йирик шохли қорамол, қўй, эчки, парранда ва ҳ.з.), шартли бош бўйича ифодаланган.


Фермерларга нисбатан дехқонларнинг хўжалиги кичикроқ, ери ҳам, чорваси ҳам, даромади (умумий даромади ва жон бошига нисбатан даромади) ҳам шунга яраша камроқ. Чорвадорлар қишлоқ хўжалиги экинларини етиштирадиган фермерларга нисбатан кўпроқ чорвага эга бўлиш билан бирга (бу табиий), кўпроқ ер майдонларига эга. Билишимизча, бу майдонлар давлат томонидан уларнинг молини озуқа билан таъминлаш мақсадида ажратилган. Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштирадиган фермерларга нисбатан чорвадорлар кўпроқ даромад топади. Аммо ушбу икки гурухнинг даромади жон бошига нисбатан ҳисобланганида фарқ унчалик катта эмаслиги сезилади, бунинг сабаби шундаки, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштирадиган фермерларга нисбатан чорвадорларнинг оиласи каттароқ ҳисобланади.

2.2- жадвал. Фермер хўжаликлари ва томорқа участкаларидаги экин майдонлари таркиби (фоиз)

	Фермер хўжаликлари			Томорқа участкалари	
	Чорвадорлар	Экин етиштирувчилар	Барча фермер хўжаликлари	Деҳқонлар	Фермерлар
Пахта	24,1	48,2	34,5	0	0
Маккажўхори	13,7	1,7	8,6	19,5	15,9
Буғдой ва бошқа донли экинлар	24,2	40,5	31,2	18,5	22,9
Барча дон экинлар	44,2	44,6	44,4	38,0	33,5
Илдиз мева экинлар	2,5	5,9	4,0	47,9	52,6
Озуқа экинлари	29,2	1,3	17,1	14,1	13,9
Барча экинлар	100	100	100	100	100
Ўртача экиладиган майдон, га	36,4	26,7	31,5	0,14	0,15

Чорвадорлар билан бошқа фермер хўжаликларининг экин майдонлари таркиби ўртасида жиддий фарқ борлиги сезилади. Фермер хўжаликларининг ана шу икки гурӯҳи ўртасидаги асосий фарқ (хўжалик ҳажми ўртасидаги фарққа қўшимча равишда; 2.1. жадвалга қаранг) озуқа экинлари экиладиган майдонларга боғлиқ. Чорвадор хўжаликларда ерларнинг 30 фоизига яқин қисми ўтлар ва озуқа экинлари билан банд, бунга қўшимча равишда 14 фоизида маккажўхори етиштирилади, у ҳам асосан, молларни боқиш учун ишлатилиди (2.2. жадвал). Иккинчи томондан, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштирадиган фермерлар озуқа экинлари ва маккажўхорига экин майдонларининг фақат 3 фоизини ажратади: уларда чорва йўқ, озуқа экинлари керак эмас. Ваҳоланки, улар бунга эҳтиёжи бор чорвадорлар ва деҳқонларга сотиш учун озуқа етиштириши мумкин эди. Фермер хўжаликлари томонидан етиштириладиган бошқа асосий экинларга буғдой ва пахта киради, бунда чорвадор фермер хўжаликлари мазкур мақсадга қишлоқ хўжалиги экинларини етиштирадиган фермерлар томонидан пахта ва буғдой учун ажратилидиган майдонларнинг ярмига яқин майдонни ажратади: чорвадорларда ерларнинг 48 фоизи пахта ва буғдой билан банд (деярли бир хил нисбатда), ҳолбуки бошқа хўжаликларда бу экинлар экин майдонларининг деярли 90 фоизини эгаллайди (пахта учун ажратилган ерлар буғдойга ажратилган ерлардан бироз кўп).

Пахта деҳқон ва фермер хўжаликлари ўртасидаги деҳқончилик борасидаги асосий фарқда ўз аксини топади: пахта факат фермер хўжаликлари томонидан етиштирилади, умуман, экин майдонларининг учдан бир қисмидан ортиғи пахта учун ажратилгани ҳолда деҳқонлар умуман пахта етиштирамайди (2.2. жадвал). Пахта ўрнига деҳқонлар илдизмевали экинлар етиштиради: томорқа хўжаликлари маҳсулотлари таркибида картошка, сабзовот, полиз экинлари, мева ва узум устунлик қиласди. Аниқроғи, умумий ҳосилнинг қарийб ярмини эгаллайди (қиёс учун - фермер хўжаликларида бу рақам 4 фоиздан иборат, 2.1 расм). Озуқа экинлари, маккажўхори ва бошқа дон экинлари эгаллаган қолган экин майдонлари деярли бир хил - ҳар бир экин турига 15-20 фоиздан. Озуқа экинлари ва маккажўхорига ажратилган ер майдонини чорвачилик хўжаликларидаги ушбу экинлар учун ажратилган ер билан қиёслаш мумкин (чорвачилик фермер хўжаликларидаги 45 фоиз, деҳқон хўжаликларида эса 35 фоизига яқин, 2.1 расм). Деҳқон хўжаликларида буғдой ўрнига маккажўхорига устувор аҳамият берилиши шундан далолатки, бу экин уй ҳайвонларини боқиш учун етиштирилади. Фермер хўжаликларида эса, айниқса, чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда асосан буғдой товар сифатида етиштирилади.



2.1. расм. Деҳқон ва фермер хўжаликларидаги экинлар таркиби. * Озуқа экинларига маккажўхори ҳам киради.

1- муаммо. Ирсият, озуқа ва уй ҳайвонларини парваришлаш орқали сут соғиб олиш ҳажмини ошириш.

1-сабоқ: Наслни яхшилашнинг асосий воситаси бўлган сунъий қочириш сут соғиши ҳажмига ижобий таъсири кўрсатади.

Мол зотини танлаш ва ирсиятига эътиборли муносабатда бўлиш сут соғиши ҳажмини оширишнинг мақбул усуслари дандир. Зотни яхшилаш учун сунъий қочиришдан фойдаланиш дехқон хўжаликларида ҳам, чорвачилик фермер хўжаликларида ҳам сут соғиши ҳажмини 30 фоиздан ортиқ кўплайтиради. Дехқон хўжаликларида сут соғиши ҳажми сунъий қочирилмаган сигирдан йилига олинадиган 925 кг ўрнига, сунъий қочирилган сигирдан 1210 килограммгача етади; чорвачилик хўжаликларида сунъий қочириш ҳар бир сигирдан йилига 1120 кг ўрнига 1520 кг гача сут олиш имконини бериши мумкин (2.3. жадвал).

2.3-жадвал. Сут соғиб олиш ҳажмининг ошишида сунъий қочириш (СК) самараси


	Сигирлар			Чорвачилик хўжаликлари (№=352)
	Дехқонлар (№=560)	Фермерлар (№=476)	Барчаси	
Сунъий қочиришдан фойдаланилмаганда	848	1011*	925*	1120*
Сунъий қочиришдан фойдаланганда	993	1382*	1210*	1518*

* Фарқ $p=0.01$ да статистик аҳамиятга эга

Афсуски, дехқонларнинг камчилик (5 фоиздан ҳам кам) қисми сунъий қочиришдан фойдаланиш учун зарур имкониятга эга. Дехқонларнинг аксарият қисми анъанавий табиий қочиришдан фойдаланмоқда, айни пайтда ушбу хизмат нархи ва сифати бўйича шикоят қилиш ҳоллари кузатилмаган. Сунъий қочириш амалиёти (уй-рўзгор хўжаликлидаги қорамолдан фарқли равишда) чорвачилик хўжаликларида “товар” молларга нисбатан кенг қўлланилади. Чорвачилик хўжаликларининг камида 12 фоизи сунъий қочиришдан ўз “товар” подалари учун фойдаланади (айни пайтда уй-рўзгор хўжаликларининг 4 фоизигина сунъий қочиришдан фойдаланади; 2.2. расм).

Фермерлар чорвани сунъий қочириш сифатидан тўлиқ қаноатланади (қарийб 90 фоиз) ва одатда бу турдаги хизматларнинг нархи ёки ундан фойдаланиш имкониятлари бўйича шикоятлари йўқ. Сунъий қочиришдан фойдаланмайдиган ёки хўжалигида букаси бор фермерлар 53 фоизни ташкил этади, дехқонлар каби ургулантиришнинг табиий усулидан фойдаланишини маъқул кўрувчилар 40 фоизга тенг. Сут соғиши ҳажмидаги фарқقا кўра, “маҳаллий” қочиришда қўлланиладиган уруғ материалининг сифати сунъий қочиришда фойдаланиладиган генетик материал сифатидан паст. Шу билан бирга Ўзбекистонда фойдаланиш мумкин бўлган сунъий қочиришнинг генетик материалини яхшилаш борасида катта имкониятлар мавжуд.

Сунъий қочиришнинг сут соғиб олиш ҳажмига жиддий таъсирини эътиборга олган ҳолда давлат сиёсати сунъий қочиришни тарғиб қилиш кампанияларини уюштиришни рафбатлантириши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда дехқонлар ҳам, фермерлар ҳам сунъий қочиришдан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим. Нуфузли манбалардан уруғ материалини сотиб олиш орқали сунъий қочиришда фойдаланиладиган уруғлар сифатини яхшилаш бўйича мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.




2.2-расм. Уй ҳайвонларини чорвачилик (дехқонлар ва фермерлар) хўжаликларида сунъий қочириш даврийлиги.

2-сабоқ: Озуқа мүл-күллиги ва чорва парвариши сут соғиб олишни күпайтиради

Деҳқон хўжаликларида сут соғиб олиш ҳажми озуқа билан таъминланганлик даражасига боғлиқ. Ушбу факт ҳақидаги маълумот деҳқонларга уларнинг уй ҳайвонлари учун озуқанинг етарли эканлигини субъектив баҳолаш бўйича берилган саволга жавобларидан жамланган. Деҳқонлар озуқанинг етарлилигини уч балли шкала бўйича баҳоланган: озуқа етишмайди, мавжуд чорва учун етарлича бор ва оптимал миқдорда мавжуд. Уй-рўзғор хўжаликларида озуқа ҳажми “етарли бўлмаган” даражадан мавжуд чорва учун “етарли миқдор”гача кўпайса, сут соғиб олишнинг статистик кўпайиши кузатилади. Сут соғиб олишнинг навбатдаги кўпайиши озуқа ҳажмининг оптимал даражага кўтарилиганида кузатилади. Етарли озуқага эга бўлмаган уй-рўзғор хўжаликларида йилига 730 кг сутдан мавжуд озуқа “мавжуд чорва учун етарли бўлган” ҳолларда йилига бир бош сигирдан 840 кг га етади, озуқа миқдори “оптимал” миқдорда бўлган уй-рўзғор хўжаликларида эса йилига бир бош сигирдан қарийб 930 кг сут олиниди (2.3 расм).

Сут соғиб олиш ҳажмининг озуқа миқдорига ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқлиги деҳқончилик ва чорвачилик хўжаликларини алоҳида регрессиявий таҳлил қилиш орқали ўрганиб чиқилди. Натижалар 2.4 жадвалда сифат форматида келтирилган, бунда “+” тегишли омил сут соғиш ҳажмига статистик жиҳдий таъсир кўрсатишидан далолатдир: бу омил ортгани сайин сут соғиш ҳажми ҳам кўпайиб боради.



2.3- расм. Деҳқон хўжаликларида етарли озуқа миқдорининг сут соғиб олишдаги самараси .

Биз кўзлаган мақсад нуқтаи назаридан асосий хулоса шуки, сут соғиб олиш ҳажми етарли озуқага ҳам боғлиқ. Озуқанинг етарлилик даражаси сўровномада кўрсатилган маълумотлар асосида харид қилинадиган ва етишириладиган озуқа миқдорининг битта сигирга нисбатан тоннада ҳисобкитоб килинди. Бунда чорва молларининг яйловда ўтлайдиган паст сифатли озуқа ўрнига юқори сифатли озуқа билан боқилиши назарда тутилган. Аслида, юқори сифатли озуқанинг етарли бўлиши сут соғишига ижобий таъсир кўрсатгани ҳолда, қайд этиб ўтилган яйловларнинг етарли эканлигининг статистик аҳамияти кам. Бу деҳқонлар орасида мавжуд йирик шохли қорамонни йўл ёқалатиб боқишига доир умумий йўналиш натижаси бўлиши мумкин, маълумки бундай жойларда ўт-майсанинг сифати анча паст бўлади. Шунга қарамай, деҳқонларнинг камида 52 фоизи ўз чорвасини боқишнинг ана шу стратегиясига риоя қилади, чорвачилик хўжаликларининг эса 11 фоизи молларини шу йўл билан боқади. Бу ҳол фермер хўжаликлари сут соғиб олишда юқорироқ натижаларга эришишининг сабабини яна бир бор тасдиқлайди.

2.4– жадвал. Чорвачилик фермер хўжаликларида ва деҳқон хўжаликларида сут соғиб олиш ҳажмига таъсир этувчи омиллар

	Чорвачилик хўжаликлари	Деҳқон хўжаликлари
Сунъий қочиришдан фойдаланиш (ҳа/йўқ)	+	+
Харид қилинадиган ва етишириладиган ем-хашакнинг етарлилиги (сигирга нисбатан тоннада)	+	+
Боқиш учун яйловларнинг етарлилиги (ҳа/йўқ)	Етарли эмас	Етарли эмас
Инсон омили (тажриба)	+	+
Хўжаликнинг «ёши» (фермер хўжалиги тузилганидан бўён ўтган вақт)	(+)	(+)
Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тажрибаси (йиллар)	(+)	(+)
Фермерларнинг аввалги тажрибаси (бошқарув /оддий ишчи лавозими) Деҳқонларнинг билим даражаси (маълумотнинг якуний энг юқори даражаси)	(+)	(+)

Инсон омилиниңг сут соғишига ижобий таъсири ҳам эътиборга лойик масала: фермер ёки дәхқон тажрибали ва юқориго малақага эга бўлса, сут соғиб олиш ҳажми кўпроқ бўлади. Бизнингча, инсон омили кўрсаткичи фермернинг молни парваришлаш учун қулай ва соғлом шарт-шароит яратишга тайёрлиги ва лаёқатини белгиловчи кўрсаткичидир: инсон чорванинг соғлиги ва умумий парвариш, уни боқиши мухим аҳамиятга эга эканлигини тушуниши учун муайян даражада билим ва тажрибага эришиши лозим.

Сунъий қочиришдан фойдаланиш (бинар ўзгарувчанлик ҳа/йўқ) сут соғиб олиш ҳажмига ижобий таъсиришдан ажабланарли эмас, сунъий қочириш натижасида бу кўрсаткич ортиб боради.

Сунъий қочиришдан фойдаланиш (ҳа/йўқ ўзгарувчи кўрсаткичи) ҳам сут соғиб олиш ҳажмига ижобий таъсиришдан ажабланарли эмас: сут соғиб олиш ҳажми сунъий қочиришдан фойдаланиш натижасида ортиб боради. Бу натижага 1-сабоққа мос бўлиб, айни пайтда бошқача йўл билан – сунъий қочириш аввалгидек якка ҳолда эмас, балки бошқа омиллар билан комбинацияланган ҳолда олинган. Регрессиявий таҳтил сунъий қочириш самараасига оид аввалги натижаларни тасдиқлайди.

Ҳукумат ушбу таҳтил натижалари бўйича таклиф этиладиган сиёсатни қабул қилиш ва уни амалга оширишда мухим ўрин тутиши лозим. Биринчидан, сифатли ем-хашакнинг аҳамияти ҳукумат томонидан озуқа маркетинги ва таъминот йўлларини яхшилаш бўйича хатти-ҳаракатларни амалга ошириш, озуқа сифати стандартлари ва унинг мониторинги ҳақида қайғуриш, шунингдек, юқори ҳосилдор озуқа экинларини етиштириш учун илмий изланиш олиб борилишини рағбатлантирилишини тақозо этади. Фақат фанга таянган ҳолдагина Ўзбекистон қисқариб бораётган хайдаладиган ерларда етарли озуқа экинларини етиштириш ҳажмини ошириш мумкин. Иккинчидан, инсон омилиниңг ижобий самарааси фермерлар ва бутун қишлоқ аҳолиси ўртасида қишлоқ хўжалигига оид билим тарғиботида давлат қандай ўрин тутиши лозимлигини кўрсатади. Сут соғиб ҳажмининг кўпайиши бу борадаги давлат харажатларини тўлиқ қоплайди.

2 муаммо. Дәхқон хўжаликларини фойда олишга қаратилган тижорий асосга ўтказиш (тижорийлашув)

**3-сабоқ: Дәхқон хўжаликлари яшаш учун зарур минимал эҳтиёжларни қондиради ва
айни пайтда: кичиклигига қарамасдан, ўзи етиштирган гўшт ва сутни сотиш билан фаол
шуғулланади.**

Дәхқон хўжаликларига кўпинча эътибор етишмайди, чунки улар яшаш учун зарур минимал эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган, деб ҳисобланади. Бу эса уларни фермер хўжаликлари қаторига қўйиш учун асос бўла олмайди. Тижорийлашувга баҳо беришнинг икки усули мавжуд: биринчидан, ўз маҳсулотининг маълум бир қисмини сотадиган уй-рўзгор хўжаликлари улушкини баҳолаш; иккинчидан, сотилаётган ушбу маҳсулот улушкини ялпи ишлаб чиқаришга нисбатан баҳолаш. Биринчи ўлчов меъзонига кўра – маҳсулотни сотувчи дәхқон хўжаликлари улуси – дәхқонлар участкасидан олинадиган маҳсулот минимал яшаш эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилганидан далолат беради: сигири бор дәхқон хўжаликларининг учдан икки қисми сутни сотмайди, уни оиласида истеъмол қиласди. Шунга қарамай, дәхқон хўжаликларининг қолган қисми анча кўп миқдорда сут сотади: бу турдаги «товар» - сут маҳсулотларини етиштирувчилар ўрта ҳисобда ўз сутининг 60 фоизга яқин қисмини сотади (2.5-жадвал). Сотиш ҳажми юқори эканлиги сабабли сигири бор дәхқон хўжаликларига нисбатан сотилган маҳсулотнинг ўртача ҳажми сут ишлаб чиқаришнинг 20 фоизини ташкил этади – бунга ҳеч нарса сотмайдиган учдан икки қисм дәхқон хўжаликлари ҳам киритилган. Шу сабабли иккинчи кўрсаткич – сотилаётган маҳсулот улушкига кўра – дәхқон хўжаликлари фаолияти фақат минимал яшаш эҳтиёжларини қоплашга қаратилмагани ойдинлашади: уларни минимал яшаш эҳтиёжларини қондириш мақсадида ички истеъмолга йўналтирилган уй-рўзгор хўжаликлари мавжудлигига қарамасдан ўз сут маҳсулотининг катта қисмини сотади.

2.5- жадвал. Сут етиштирувчи, «сотувчи» ва «маҳсулот сотмайдиган» уй-рўзгор хўжаликлари

Сут етиштирувчи дәхқон хўжаликлари (№=534)	
Сутни сотмайди, барча сут етиштирувчиларга нисбатан “маҳсулот сотмайдиган”лар, (фоиз)	64
Сутининг бир қисмини сотади, барча сут етиштирувчиларга нисбатан “сотувчилар”, (фоиз)	36
«Сотувчилар» томонидан сотиладиган маҳсулот улуси	60
Барча сут етиштирувчилар томонидан сотиладиган маҳсулот улуси («Сотувчи» ва «Маҳсулот сотмайдиган»ларнинг умумий %)	21

Сут маҳсулотларини етиштиришга мойиллик чорваси бордехқон хўжаликлари орасида кўп кузатилади: 31 фоизи сут сотади, айни пайтда фақат 6 фоизи гўшт сотади (4 фоизи сут ҳам, гўшт ҳам сотади). Уй-рўзгор хўжаликлари чегарасида сутни истеъмол қилиш ва гўштнинг асосий қисмини сотишга мойиллик мавжуд: дехқон хўжаликлари ўз сут маҳсулотининг фақат 40 фоизини сотади, айни пайтда ўзлари етиштирган гўштнинг камида 90 фоизини сотади. Сотиш ушбу товар маҳсулотларини сотувчи уй-рўзгор хўжаликларига нисбатан ўрта ҳисобда йилига 1600 кг сутни ва 400 кг гўштни ташкил этади. Сутнинг бир килоси 270 сўм (\$0,20), гўштнинг эса бир килоси 3700 сўмни (\$2,90) ташкил этади³.

2.6- жадвал. Дехқон хўжаликлари маҳсулотларини сотиш йўллари (сут ва гўшт)

	% сотувчи (№=211)
Қўшнилар, танишлар	53
Бозор	36
Воситачилар	33


Изоҳ: бунда фоизлар қўшилганида, 100 дан ошади, чунки дехқонлар сотишнинг бир нечта каналидан фойдаланади: қўни-кўшнига сут маҳсулотларини сотадиганларнинг 26 фоизи бозорга ҳам ўз маҳсулотини чиқаради, 36 фоизи эса воситачилар орқали ҳам сотади. Маҳсулотни ҳам бозорда, ҳам воситачилар орқали сотувчилар сони нисбатан кам (10 фоизга етмайди).

Дехқон хўжаликларида етиштириладиган сут ва гўшт маҳсулотларини сотишнинг асосий йўллари қўни-кўшни ва танишлар ҳисобланади (2.6-жадвал). Сотишнинг бошқа муҳим каналларига бозорни (таксиминан энг яқин шаҳар бозори) ва воситачилар орқали сотишни киритиш мумкин. Йўл юриш талаб этилмайдиган, ўзи яшайдиган аҳоли пунктида қўшниларга ва танишларга сотиш бозорда савдо қилувчилар ва воситачилар орқали сотиш ҳам ана шундай савдо сифатида тилга олинади. Иккинчи томондан, амалий нуқтаи назардан бозорда сотиш ва воситачилар орқали сотиш бир-бирини инкор қилувчи тушунчалардир: дехқон ўз маҳсулотини ё воситачига топширади, ёки бозорга ўзи боради, иккаласини қўшиб бўлмайди.

Қўшнилар ва таниш-билишларга сотишга жиддий боғланиб қолиш транспорт ва бозорлардаги улгуржи савдо қилиш схемалари билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар мавжудлигидан далолат беради. Дехқонлар ўз маҳсулотини сотиш имкониятини амалга ошириш ва бу маҳсулотдан шаҳар аҳолиси фойдаланишини таъминлаши учун ҳукумат томонидан маҳсулот ишлаб чиқарувчи дехқонларнинг бозорга кириб бориши қўллаб-куvvatlaniшини тақозо этади. Бунга интеграциялашган тезкор етказиб бериш бўйича қишлоқ компанияларининг, транспорт операторлари ва улгуржи харидорларнинг ташкил этилишини киритиш мумкин, улар дехқонларнинг бозорга кириб боришини осонлаштирган бўлар эди. Воситачилар маҳсулотларни бозорларга етказиш йўлларини ташкил этиш каби муҳим вазифани бажаради ва шу боисдан уларнинг фаолияти рағбатлантирилиши лозим.

4-сабоқ: Сутни кўпроқ ва самаралироқ етиштирадиган ҳамда сигири кўп дехқонлар ўз маҳсулотининг аксарият қисмини сотади

Дехқонларнинг тижорийлашув даражаси сут соғиб олиш ҳажми (ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичи), соғин сигирлар сони ва тегишли равишда, ушбу икки омил комбинацияси орқали ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ошиши билан баравар тарзда ортиб боради. Бошқача айтганда, кўпроқ сут етиштирадиган ўй-рўзгор хўжаликлари (чунки уларда сигирлар сони кўп ва сигир бошига соғиладиган сут ҳажми ҳам кўпроқ) ўз маҳсулотининг аксарият қисмини сотади. Бундай натижа етиштириладиган сут миқдори ва тижорийлашув даражасини англатувчи факт сифатида 2.4 расмда (сотмайдиганлардан то ўз сут маҳсулотининг 75 фоизини сотувчиларгача) умумлаштирилган.



2.4-расм. Дехқон хўжаликларининг савдо даражаси бўйича сут етиштириши.

³Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йи сентябрь ойи хорижий валютанинг сўмга нисбати, 1 АҚШ доллари=1280 сўмни ташкилэтган.

Янада батафсил шарҳ 2.7- жадвалда келтирилган бўлиб, дехқон хўжаликлари тижорийлашув даражасига кўра гурухларга бўлинган (сотмайдиганлардан то ўз сут маҳсулотининг 75 фоизини сотовчиларгача). Юқори сут соғиб олиш ҳажми ва кўп сонли сигирлар уйғунлиги янада кўпроқ самарадорликка олиб келади: қўшимча ишлаб чиқариш ортиқча сут етиширишга ва янада тижорийлашувга сабаб бўлади. Оила аъзолари сонининг кўплиги табиий равишда унинг эҳтиёжларини ошириб, сотилиши мумкин бўлган қисмини қисқартиради. Тегишли равишда, оила қанча кичик бўлса, дехқон хўжалигининг тижорийлашуви даражаси шунчалик юқори бўлади. Сут маҳсулотларини етиширишда ер майдони тижорийлашув даражасига таъсир кўрсатмайди. Эҳтимол бунинг сабаби шундаки, барча дехқонларнинг ер майдонлари ҳажми деярли бир хил бўлиб, хўжаликлар ўртасида бу борадаги фарқ кўзга яқол ташланмайди (90 фоиз дехқоннинг ер майдони 0,1-0,4 гектарни ташкил қиласди).

2.7- жадвал. Сут етишириувчи дехқон хўжаликларининг тижорийлашув тавсифи

	Сотиш-майди	Ишлаб чиқариладиган сутнинг 50% гача	Ишлаб чиқариладиган сутнинг 50-75%	Ишлаб чиқариладиган сутнинг 75%
Дехқон хўжаликлари (№=534)	64%	16%	12%	8%
Сигирлар, сони	1,1	1,2	1,5	1,9
Сут соғиб олиш ҳажми, бир сигирдан кг/с	735	950	1074	1225
Сут ишлаб чиқариш, кг	739	1126	1521	2468
Оила аъзолари сони, киши	6,4	6,1	6,0	5,3
Участка ҳажми, га	0,19	0,18	0,22	0,19

Маҳсулотни сотиш оила ва унинг аъзолари даромадига жиддий таъсир кўрсатади. Дехқонлар орасида ўз маҳсулотини сотовчилар уни сотмайдиганлар оиласи ва унинг ҳар бир аъзосига нисбатан кўпроқ даромад олади (2.8-жадвал).

2.8-жадвал. Сутни сотовчи ва уни сотмайдиган дехқонлар оиласига ва унинг ҳар бир аъзосига нисбатан даромад миқдори

	“Сотмайдиганлар”	“Сотовчилар”
Оила даромади, ойига минг сўм.	231*	250*
Оила аъзосига кўра даромад, ойига минг сўм.	40*	63*

“Сотовчилар” билан «сотмайдиганлар» ўртасидаги фарқ $p=0.01$ да статистик қийматга эга.

3-муаммо. Оила даромади ва фаровонлиги


5-сабоқ : Оиланинг жон бошига даромади ер майдонларининг кенгайиши ва қорамол сонининг ошишига мутаносиб тарзда ошиб боради.

Дехқон хўжаликлари фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, ер майдонлари кенгайгани сайин бутун оиланинг даромади ва унинг ҳар бир аъзоси даромади ортиб боради. Умумий даромад натижаси яқол кўриниб тургани ҳолда (ер кўп, ишлаб чиқариш ортган, даромад юқори), оиланинг ҳар бир аъзосига нисбатан даромаднинг ортиши учнчалик сезилмайди. 2.5-расмда дехқон ва фермер хўжаликлари орасида ер майдонлари кўпайиши билан бирга аҳоли жон бошига даромад ҳам ортиши кўрсатилган. Бизнинг таҳлилимиизда оила даромадига барча манбалардан олинган пул тушуми ҳамда уй-рўзгор хўжалиги истеъмолига сарфланган ўз маҳсулотлари таннархи киритилган.

2.5-расмда Ўзбекистондаги ер тақсимотининг қизиқ хусусияти кўзга ташланади: дехқонларга тегишли майдонларнинг ҳажми 1 гектардан ошмайди; фермерларнинг участкалари майдони 1 гектардан кам бўлмайди (бунга томорқа ҳам, фермер хўжалиги участкаси ҳам киради). Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириувчиларнинг ушбу икки гурухи ер майдонлари орасида кескин табақаланиш мавжуд, у диаграммада турли рангларда берилган.

Ер майдони миқдорининг даромадга ижобий таъсирини эътиборга олган ҳолда, биз қорамол сонининг жон бошига тўғри келадиган даромадга таъсирини текшириб кўрамиз. Буни регрессия таҳлили воситасида жон бошига даромадни майдон ҳажми ва қорамоллар сонининг функцияси деб олган ҳолда кўриб чиқамиз. Натижалар шуни кўрсатадики, ер майдони ҳажми кенгаймагани ҳолда қорамол сони ортиши билан оила аъзолари жон бошига даромади ҳам ортиб боради. Ушбу хулоса биз фақат дехқон хўжаликларини таҳлил қилган пайтда ҳам, шунингдек, ҳам дехқон, ҳам фермер хўжаликларини таҳлил қилган пайтимиизда

ҳам ўзгармасдан қолди. Хўжалик тури коэффициенти шуни назарда тутадики, дехқонлар ер майдони ва қора моллари сони ўзгартмагани ҳолда оила аъзолари жон бошига нисбатан ўрта ҳисобда камроқ даромад олади. Ушбу натижа жон бошига ойлик даромад бўйича олинган маълумотга мос келади: дехқонларда 47000 сўм (\$37,0) ва фермерларда 82000 сўм (\$64,0) (ушбу фарқ статистик нуқтаи назардан аҳамиятлидир).



2.5- расм. Оила аъзоларининг жон бошига даромади ва дехқон ва фермер хўжаликлари ер майдонлари

6-сабоқ: Оиланинг жон бошига даромади ер майдонининг кенгайиши ва қорамол сонининг ошишига мутаносиб тарзда ошиб боради.

Тадқиқот давомида қишлоқ оиласларида жон бошига тўғри келадиган даромадга доир ахборотлар билан бирга турмуш даражаси ёки фаровонлик тўғрисидаги субъектив кўрсатчилар бўйича йигилган сифатли маълумотлар ҳам тўпланди. Фаровонлик уч даражали шкала бўйича аниқланди – “паст”, “ўрта” ва “кулай”. Бунда респондентларнинг субъектив фикрларидан фойдаланилди («оиланинг қўли нимага етади»). Барча танланган материаллар бўйича шундай хulosага келиш мумкинки, фермерлар дехқонларга нисбатан юқорироқ турмуш даражасига эга: фермерларнинг 17 фоизи ўз турмуш даражасини “кулай” деб ҳисобласа, дехқонларнинг фақат 4 фоизи шундай фикрда, бошқа томондан, дехқонларнинг 38 фоизи ўз турмуш даражасини “паст” деб билса, фермерларнинг фақат 11 фоизи шундай фикрда (2.9- жадвал).

2.9-жадвал. Фермерлар ва дехқонлар ўртасида фаровонликни субъектив англаш

	Паст	Ўрта	Кулай
Дехқонлар (№=796)	38	58	4
Фермерлар (№=795)	11	72	17

Умуман, дехқонларга нисбатан фермерлар турмуш даражасининг юқорироқ эканлиги даромаднинг юқори даражаси, оиланинг ҳар бир аъзоси даромадининг кўплиги, катта ҳажмдаги ер майдонлари мавжудлиги ва қорамолларининг сони юқорилиги билан изоҳланади (2.10- жадвал, сўнгги сатр). Бундан ташқари, фаровонликнинг турли даражаларига нисбатан даромад ва мулкни ўрганиб чиқиш асосида, 2.10-жадвалга мувофиқ шуни кўрамизки, пул маблағлари миқдори энг қуий даражадан фаровонликнинг энг юқори даражасигача ортиб боради: дехқон хўжаликларида ҳам, фермер хўжаликларида ҳам ернинг ва чорванинг кўплиги юқори даромад манбаи ҳисобланади.

2.10 - жадвал. Дехқон ва фермер хўжаликларининг фаровонлик даражасига кўра даромади ва таъминоти

Англанадиган фаровонлик	Умумий даромад		Оила аъзосига нисбатан даромад		Ер майдони, га		Чорва сони	
	Дехқон	Фермер	Дехқон	Фермер	Дехқон	Фермер	Дехқон	Фермер
Паст	197	451	36	72	0.16	30	2.0	16
Ўрта	303	458	53	72	0.18	44	2.4	23
Кулай	429	738	71	129	0.19	53	2.1	51
Барчаси	267	505	47	82	0.17	44	2.3	28

Изоҳ: Барча кузатишлар асосида ҳисоблаб чиқилган пул маблағлари миқдори нолга тенг кўрсаткичга эга бўлғанларни қамраб олади. Оила ва унинг ҳар бир аъзосига нисбатан даромад минг сўмда ҳисоблаб чиқилган

Юқоридагилардан қишлоқ аҳолиси, айниқса, дехқонлар турмуш фаровонлигини ер майдонларини кенгайтириш ва қорамол сонини ошириш орқали яхшилаш мумкин, деган хulosага келиш мумкин. Ер майдонларини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар ижара амалиётини соддалаштириш ва енгиллаштириш орқали ер бозорини кенгайтиришга таяниши мақсадга мувофиқдир. Ер ижарасидан фойдаланишнинг соддалаштирилиши дехқонлар ва фермерларга ўзининг ер майдонларини кенгайтириш

ва шу орқали юксак фаровонликка эришиш имконини беради. Ер ва чорва қишлоқ аҳолиси фаровонлигини янада оширишда муҳим ўрин тутади.

3. Хулоса ва тавсиялар

Ўзбекистон орвачилик секторида миллый озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш асоси бўлган пахта ва буғдойга – қишлоқ хўжалиги экинларининг асосий товарларига қўшимча равишда - ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 40 фоиздан ортиғини беради. 2007 йилдаги тадқиқот натижаларига кўра, чорвачилик қишлоқ оиласарнинг муҳим даромад манбаи ва дехқон хўжаликлари умумий даромадининг 10 фоизга яқинини ташкил этади.

Шунга қарамай, Ўзбекистонда чорвачилик сектори таркибининг ҳаддан зиёд номутаносиблиги кўзга ташланади: бутун чорва ва соғин сигирлар майда дехқон хўжаликлирида жамланган – бунда битта қишлоқ оиласига 1 ёки 2 та сигир тўғри келади. Сут соғиш ҳажми кунига 5 кг дан ошмайди, қисман оиласада истеъмол қилинади ва қисман бозорда сотилади ёки энг яқин сут заводлари топширилади. Шунга қарамай, кунига бир челяк сут олувчи дехқонлар Ўзбекистондаги сут маҳсулотлари бозорини таъминлаб келмоқда: Nestle компанияси раҳбарлари фикрича Наманганда ва Тошкентда сутнинг 85 фоизи ана шундай майда сут етиштирувчи оиласий хўжаликлар томонидан етказиб берилади.

Майда дехқон хўжаликлари сут соғиш ҳажми пастлигидан азият чекади - иилига бир сигирдан 1000 кгдан кам микдорда сут соғиб олинади. Бу дехқонларнинг ветеринария хизмати ёки қишлоқ хўжалигига оид билимни оммалаштирувчи хизматларга, жумладан, сунъий қочириш, ветеринария ёрдами, шунингдек, чорвачилик соҳасидаги илғор билимни ва тажрибани оммалаштирувчи хизматларга раҳбарлик ва маслаҳатлашиш бўйича мурожаат этишни истамаслиги ёки имконияти йўқлиги билан изоҳланади. Ем-хашак билан боғлиқ вазият ҳам муҳим аҳамиятга эга: дехқонлар сотиб олишга қодир озуқанинг паст сифати сут соғиб олиш ҳажмини яхшилаш йўлида жиддий тўсик бўлиши мумкин.

Шу боисдан мазкур тадқиқотнинг ҳукуматга қаратилган асосий тавсияси чорвачилик сектори инфратузилмасини, шу жумладан, ем-хашак сифатини яхшилаш, уларнинг тақсимланиши, сунъий қочириш ва ҳайвонларнинг саломатлиги масалаларини қамраб олади. Ишлаб чиқаришнинг жисмоний омиллари учун хизмат кўрсатиш пункtlарининг ташкил этилиши етарли эмас: шу билан бирга сут соғиш ҳажми ва даромадларни ошириш мақсадида дехқонларни мукаммалроқ амалиётта ўргатиш ва уни қабул қилишга рағбатлантириш билан шуғулланувчи илғор билим ва тажрибани оммалаштириш бўйича хизматлар ходимлари ва мутахасисларини тайёрлаш ва сафарбар этиш лозим. Икки кенг тарқалган тармоқни – хизмат кўрсатиш станциялари ва илғор билим ҳамда тажрибани оммалаштириш марказларини бир пайтда ташкил этиш яқин келажакда ижобий самараға эришиш учун энг қиска муддатларда амалга оширилиши лозим.

Узоқ муддатли режалар ва чора-тадбирлар чорвачилик секторидаги номуттаносибликларни тўғрилаш орқали ишлаб чиқариш ва маркетингнинг умумий самарадорлигини оширишга қаратилиши позим. Умуман, чорвачилик фермаларини, яъни 50-100 бosh сигирга эга фермерларни ташкил этиш ғояси шуни кўзда тутади, улар битта сигирга эга дехқонларга нисбатан чорвачилик маҳсулотларини иқтисодий жиҳатдан юқорироқ самара билан етиштириш ва сотиш имкониятига эга бўлади. Аммо чорвадор фермерлар сони бугун ниҳоятда кам: 9000 фермер бутун мамлакатдаги йирик шохли қорамоннинг 5 фоизига яқин қисмiga эга. 50-100 бosh сигiri бор фермер хўжаликларини янгидан ташкил этишни бошлаш ўрнига дехқон хўжаликлари ўз моли сонини 1 сигирдан 5 тага, сўнgra 10 тага ва ундан ҳам кўпроқ бошга етказиш учун янада кенгроқ шароит яратиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу уларнинг ўз бошқарув лаёқати ва кўникмасини амалда тўла синааб кўриш имконини ҳам берар эди. Барча дехқон хўжаликлари ҳам шу йўл билан ривожланиши қийин, аммо кўпчилик бундай янада самарали чора-тадбирлардан фойдаланиб, ўз фаровонлигини ошириши мумкин.

Бундай чора-тадбирлар ем-хашак етиштиришни кўпайтириш, бунинг учун эса экин майдонларини кенгайтириш, айни пайтда озуқа экинлари ҳосилдорлигини оширишни тақозо этади. Озуқа етиштириладиган ер майдонларини кенгайтиришнинг усулларидан бири ерни фақат пахта ва буғдой экиш учун ажратишга доир қатъий тартибни қайта кўриб чиқишдан иборат. Харидлар бўйича давлат шартномалари фермерлар давлатга ушбу мақсадда ажратиладиган экин майдонлари ҳажми кўрсатилмагани ҳолда сотиши лозим бўлган пахта ва буғдой микдорини кўзда тутиши керак. Фермерларга экинлар таркибини мустақил тартибга солиш имконияти берилса, уларда ўзларига берилган ер майдонларини давлат харидлари учун мўлжалланган экинларни ва озуқа экинларини етиштиришни оптималлаштиришга рағбат янада кучаяди. Оқибатда катта ер майдонларидан маккажўхори ва беда каби озиқа экинларини етиштириш мақсадида фойдаланиш имконияти кенгаяди. Тадқиқотимиздан маълум бўлдики, озиқа экинлари учун қўшимча ер майдонларини ажратиш хўжаликлар даромадини кўпайтиради ва қишлоқ аҳолиси фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

Изоҳлар:

1-бўлимдаги барча маълумотлар, шу жумладан 1.1-1.2 -расмлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий нашрларидан олинган:

Ўзбекистон йиллик статистика тўплами 2004 йил., Тошкент (2005 йил), ўзбек ва рус тилларида;

«Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги» 2006 й., статистика тўплами, Тошкент (2007 йил);

«Ўзбекистон рақамларда» 2006 йил, статистика тўплами, Тошкент (2007 йил). 2-бўлимда фойдаланилган барча маълумотлар, шу жумладан 2.1-2.6- расмлар ва 2.1-2.10- жадваллар БМТ Ривожланиш Дастури буюртмасига кўра Тошкентда жойлашган «Таҳлил» социологик тадқиқотлар маркази томонидан фермер ва дехқон хўжаликларининг 2007 йил август ойида амалга оширилган тадқиқотлари натижаларига асосланган.